



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлғи.
А.Умурзақовга

Техник шарт

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябр кунги 159-сонли раёсат баёнининг 3-иловасига асосан Тошлоқ туманида ташкил этилаётган Келажак кичик саноат зоналарини муҳандислик-коммуникация тармоғлари билан таъминлаш мақсадида қуйдаги ишлар бажарилиши таълаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Тошлоқ туманида ташкил этилаётган Келажак кичик саноат зоналарини муҳандислик-коммуникация тармоғлари билан таъминлаш учун **уланиш нуқтаси:** “Келажак” ЁКСЗ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган сув иншоотининг энг яқин ичимлик сув тармоғига алоҳида (калодец) ва узиб қўювчи қулф ўрнатиш шарти билан жами узунлиги 4,0 км Д-110 мм ли SDR17 турдаги полиэтилен 8,0 (АТМ) босимли ичимлик сув қузури лойиха асосида замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ, СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши таълаб этилади.

Оқава сув бўйича:

Тошлоқ туманида ташкил этилаётган Келажак кичик ва ёшлар саноат зоналарини оқава суви тизимлари билан таъминлаш учун лойиха асосида лойихавий қуввати аниқланиб 1 донга оқава сув тозалаш иншооти қуриш ва 1,0 км оқава сув тармоғи тортиш ишларини ШНҚ, ҚМҚ, СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши таълаб этилади.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Тошлоқ туманида ташкил этилаётган Келажак кичик саноат зоналарини ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Таёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, **Буюртмачи** томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари **келишилмаган** ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Бош муҳандиси:



И.Абдуллаев